

«Тафсири Ҳилол» иловаси 8 ёшда



15:02 / 16 август 720

Бундан роппа-роса 8 йил олдин – 2016 йил 16 август куни «**Тафсири Ҳилол**» иловаси Android қурилмалар учун Play Маркетга чиқарилган эди.

Фазилатли шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф ҳазратларининг шох асари – «Тафсири Ҳилол» китобининг электрон шакли, 4 моҳир қорининг тиловатлари ва Қуръони Каримнинг ўзбек тилидаги маънолар таржимаси аудиосини ўзида жамлаган ушбу илова кўп йиллардан бери халқимизнинг диний саводини оширишга катта ҳисса қўшиб келяпти.

Маълумот учун, «Тафсири Ҳилол» иловаси iOS қурилмалар учун App Storeга 2016 йил 6 июлда чиқарилган. Дастуримиз Windows компьютерлари учун ҳам ишлаб чиқилган.

Иловани [Play Market](#), [App Store](#) ва e-hilolnashr.uz сайтидан юклаб олишингиз мумкин.